

ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий газетаси

1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Qishloq HAYOTI

№ 31 (6.244). Сотувда эркин нархда

ВАТАН ИЧРА БИР ВАТАН

Раваллик ва Тоқчилик қишлоқларининг аҳолиси ўзларининг мушуқуллири осон бўладиган масканини шодийналик билан қабул қилиб олдилар. Янги гузарнинг одамлар мушуқуллири осон қиладиган, ҳожатини раво қиладиган хизматидан ташқари ҳар иккала қишлоқнинг манзарасига кўрк бўлиб тушганини айтмайсизми!..

(1-2-саҳифаларда)



ЙИЛ БОШИ

Сумалақнинг асл моҳияти ҳам, хосияти ҳам ана шунда. Меҳр кўзда дейдилар. Йил бошларида кўни-кўшни, қариндош-уруғ жам бўлишиб кўк туйганлар.

(1-4-саҳифаларда)

ОЙДИН ОРЗУЛАР

Иброҳим ака билан хайрлашар эканмиз, унинг чехрасидан истиқлол шарофатидан имкониёти, орзу-умиди рўйга чиққан, меҳнати самарасидан қалби гурурга тўлган мулк эгаси ҳисҳақжонларини англаш қийин эмас эди...


(2-саҳифада)

ЎЗБЕКИСТОН ЯНА БИР СОҲАДА ИМПОРТЧИДАН ЭКСПОРТЧИГА АЙЛАНДИ

Баҳорги янгиланиш байрами - Наврўз арафасида пойтахтимизда улкан sanoat majmuisi ishga tushdi. «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акционерлик компаниясининг Тошкент йўловчи вагонларни таъмирлаш заводи фойдаланишга топширилди. 15 март куни Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов ушбу мажмуага ташриф бурди.

Илгари бу завод ўрнида вагонларни депо даражасида таъмирлайдиган мўъжагина корхона бўлар эди. 1996 йили Ўзбекистон ҳукумати билан Япониянинг Ташқи иқтисодий ҳамкорлик жамғармаси ўртасида кредит битими имзоланди. Мазкур корхонани замонавийлаштириб, йўловчи вагонларни таъмирлаш заводига айлантириш мақсадида Япониядан 6,102 миллиард иен микдорда кредит олинди. 1998 йили эълон қилинган тендер натижасида эса Япониянинг «Мерубени» корпорацияси бош пудратчи этиб танланди. Қисқа вақт давомида Германия, Япония, Нидерландия, Польша, Буюк Британия, Финляндия ва Канададан замонавий ускуналар, йигирма бешта вагон, эҳтиёт қисмлар келтирилди. Заводга ўрнатилган ускуналарнинг барчаси юқори технологияларга

асосланган ҳолда ишлайди. Заводда айни вақтда 800 киши меҳнат қилмоқда. 2002 йилда корхона тўла қувват билан ишлай бошлади, ишчилар сони 1280 нафаргача етди. Ушундан йилга 450тагача вагонни ялпи таъмирлаш мумкин бўлади. Бу йил эса корхона ишчилари 200 дон вагонни таъмирлаш ниятида. Президент Ислам Каримов янги мажмуа билан танишар экан, аввало, унинг нечоғли фойдаланили, ҳаражатларни қоплаш имкониятлари ҳақида мутасадди раҳбарларнинг фикри билан қизикди. Қарийб 60 миллион АҚШ доллари сарфланган корхонанинг келажакда қарзни узиш ва фойда келтириш учун имкониятлари етарлими, деган ўринли савол туғилиши табиий. Дейлик, Ўзбекистонда тахминан 1100 дон вагон бор. Тўла қувват билан ишлаганда икки йилда мамлакатнинг завод хизмати-



га эҳтиёжи туғайди. Таъмирланган вагон камида беш йилдан кейингина янги таъмирга муҳтож бўлади. Демак, хизматни экспорт қилиш, айниқса, қўшни давлатларда харидор топиш керак. Мутасадди раҳбарларнинг таъкидлашича, айни вақтда бу йўналишда фаол иш олиб борилмоқда. Заводда харидор топиш учун имконият катта. Зеро, Маркази Осиёда бошқа бундай корхона йўқ. Аниқроғи, Ўзбеки-

стон вагон таъмирлаш борасида ўзига хос монопол давлатга айланди. Алоҳида таъкидлаш лозим бўлган яна бир муҳим гап шуки, илгари вагонларимиз 50-70 минг АҚШ доллари эвазига Россияда таъмирланар эди. Энди катта микдордаги валюта ҳам тежаланди. Масаланинг бевосита молиявий томонига ўтсак, қарзни қайтаришда ҳам қулайлик мавжуд. Кредит имтиёзли

бўлиб, 2006 йилдан бошлаб 20 йил давомида қайтарилади. Бу орада эса, корхона янги соҳаларини ўзлаштириши мумкин. Эҳтиёт қисмларнинг 25-30 фоизигина четдан келтирилади. Ишлаб чиқариш тўла маҳаллийлаштирилиши мумкин. Шунингдек, бу улкан мажмуада трамвай, троллейбус, автобус ишлаб чиқариши йўлга қўйиш имкониятлари ҳам йўқ эмас.

Президент Ислам Каримов янги заводнинг бўяш, ёғочни қайта ишлаш ва таъмирлаш цехларидаги иш жараёни билан танишди. Ишчилар билан суҳбатлашди. «Ўзбекистон темир йўллари» компанияси корхоналарида ишлаб чиқарилган эҳтиёт қисмлар кўргазмаси, янги таъмирланган вагонларни кўздан кечирди. Президент вагонларни қайта таъмирлашда ҳозирги кунда гоёт муҳим саналган дизайн алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини қайд этди.

Таъкидланганидек, корхонанинг ўз фаолият қўламини кенгайтириш имкониятлари катта. Масалан, ёғочни қайта ишлаш цехида уй-рўзгор буюмлари, меҳел ишлаб чиқариш мумкин. Аммо, давлатимиз раҳбарининг диққатини тортган масала, аввало, ишнинг сифати билан боғлиқ бўлди. Ислам Каримов бу ерда бажарилган ҳар бир иш сифат жиҳатидан замон талабларига тўла жавоб бера олиши лозимлигини таъкидлади, самарадорликни янада ошириш борасидаги тақлифларини айтди.

Янги заводга ташриф чоғида Президент Ислам Каримов «Ўзбекистон темир йўллари» компанияси томонидан тайёрланган янги лойиҳалар билан ҳам танишди. Бу лойиҳалар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, Ўзбекистондаги темир йўл тармоқларини ривожлантириш ва бошқа муҳим тадбирларни ўз ичига олган. Мамлакатимиз раҳбари Ангрен-Поп йўналиши бўйича темир йўл қуриш, Тошкент-Самарқанд йўналишида тез-тез поезд катновини ташкил этиш сингари қизиқарли лойиҳалар бўйича ўз фикрларини баён этди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон иқтисодийнинг яна бир муҳим соҳасини тўла ўзлаштиришга киришди. Бу ҳеч бир муболағасиз мамлакатимиз раҳбари узоқни кўзлаб юритаётган изчил сиёсатнинг самарасидир. Зеро, Ўзбекистонда хорижликлар билан кенг ҳамкорлик қилиш, тадбиркорлик, янгиланиш учун катта имкониятлар яратилган. Бундай омиллар, албатта, ўзининг яхши самарасини бермоқда. Тошкент йўловчи вагонларни таъмирлаш заводидаги қисқа муддатда курилиб ишга туширилгани бу фикрнинг наватбадиғи исботидир.

Анвар БОБОВЕВ,
ЎЗА МУХБИРИ
СУРАТДА: ташриф пайтидаги лавҳа. М. АМИН олган сурат.

НИГОХ

Кўшалок байрамлар - Қурбон ҳайити, Халқаро хотин-қизлар куни барчанинг кўнглини қўшқинлик, руҳини айёмона завқ билан банд этди. Уша кўнгли табиат ҳам бизни сийлади - беғубор осмонда офтоб чарқлаб, яқинлашган ҳамалнинг илк насим баҳордан мўъжа келтиргандек бўлди.

Болалар шодлиғи варрақлари ила кўкка ўрлади. Келинчақлар бир умрлик хонадонларида хижолатда қолмаган деган ҳадик билан қайноналари нигоҳидан ҳуркиб-қимтиниб илк бор ялпиз сомсалар, чучваралар тугди. Хатто юз ёшли момолар ҳам баҳорий кайфият билан сумалакка унаб қолишди.

Теракдан ўзгудай, осмонни ўпгудай шашт билан майсалар юқорига талпинди. Бодом, ўрик, гилослар куртақлари портлаб-портлаб боғ-роғларга оппоқ жаранг бахш этди. Қушларнинг ошуфтаҳол чугури ҳам кўккам нафасидан дарак эди. Жағ-жағу исмалоқлар адирларда ястаниб олди. Йиллар ариқ ва зовурлар ёноғига - уватига чиқиб уларни қитқилади - зилол сувлар қижир-

қиқир қулганча чопқиллади... Сабаб - олдинроқ бойчечак кўккам кўнғирогини чалган эдида!

Лекин дафъатан яна қор ёғди. Осмон элагини беармон элади яна.

Ғаллақор хурсанд бўлди: "Бу йил ҳосил мўл бўлади, илло!"

Чорвадор шодланди: "Кўй-кўзиларимнинг ризиқи бор экан!"

Боббон оғринди: "Меваларим қийғос гулга кирувди-я, аттанг."

Бу қор совуғи аёзнинг қудрати эмас, чираниши, холос. У эртага эриб кетади. Унинг хосияти томони бор. Қор - қут-баракатдан дарак. Баҳор қудрати илдизлардадир. Уларда доимий ҳаёт оқади. Борлиққа яна ашил, оқ, пушти - хуллас, турфа ранглар бермок учун улар ўзларида шид-қудат топади. Бу баҳорнинг илохий қудратидан далолат.

Ва биз Наврўзга пешвоз чиқамиз. Гулларга, дов-даракларга

Баъзи бировлар доимий эмас, ҳатто ўтган кўшалок байрамларда ҳам мўйсифид отасини, мунис онасини йўқламак, балки...

Лекин баҳор уларнида унутмайди. Ховлидаги бир туп ўрикдан гулдаста ясаб армуғон этади кексаларга. Хадемай айвон шифтида ини қолган бир жуфт қалдирғочни "валфажар" ўқиб беринглар", дея улар хузурига йўллади.

Хуллас, кўккам ҳеч бир инсондан саховатини дариг тутмайди. У ҳатто марҳумларни ҳам ёдидан чикармайди. Ишонмасангиз, қабристонларда бир назар ташланг - улар яшилликка бурканган шу кўнларда. Бу баҳорнинг саховатидан, оқибатлигидан бир ҳикмат. Ана шу ҳикмат сабогини чиқариш эса сизу биздан, азиз биродар.

...Мана қор эриб кетди. Даладашларда эзгулик ташвишлари авжда. Уша - сиз-у биз ҳаммиса ҳам эслайвермайдиган ғаллақору боғбон - аҳли деҳқон элнинг ризқ-рўзи ташвиши билан банд. Улар баҳорий кайфият билан ҳосил баракатидан умидвор бўлиб, ниятларини бутун қилганча меҳнатга шўнғиб кетишди. Тилағи - деҳқонларимизга хайрли, эзгу ташвишлар хайроқ бўлсин.

БАҲОР: СЕВИНЧ ВА ТАШВИШЛАР

Уларни совуқ урмасайди, ишқилибди. Пахтакор сергак тортди: "Чигитни қачон ва қандай экзама экан?" Зеро, деҳқон аҳли табиат билан тиллашиб ашади, меҳнат қиладди. (Ишчи ва хизматчиларнинг йўриғи бошқа-да). Хонасининг одамлар дерезалардан мўлтираб, хайрат бармонини лабга босганича кулимсирадилар: "Табиатнинг ишлари қизик!"

ТААССУФ

Жума шаҳридаги дидел ёнигиш ускуналарини йиғиш, таъмирлаш билан шуғулланган маъсулияти чекланган Ўзбекистон - Литва қўша корхонаси "Самделекускун" 1997 йилда ташкил этилган эди. Фаолияти мамлакатимизда гоётада ноёб ҳисобланган корхона хизматидан даярлик барча вилоятлардаги техника парк-

электр қуввати билан ишловчи дастгоҳларда бажарилади. Турли металл кесмаларни тайёрлаш ҳам электрсиз бўлмайди. Корхона директори Фолиб Элмуродовнинг эса электр таъминотидаги охири кўринмаётган узилишлардан асаблари татом бўлган. Марҳамат, у кишининг дардларига қулоқ тутинг: -Литвалик ҳамкорларимиз

"САМДЕЛЕКУСКУН" ОҚСАМОҚДА

лари жамоалари баҳраманд бўлмоқда. Лекин... Гап шундаки, маҳаллий муаммолар устига ишчанликнинг, изланишнинг етишмаётгани корхона фаолиятининг кенгайишига, жонланиб кетишига монелик қилмоқда. Бу ердаги барча юмушлар: юзлаб захира қисмларни бутлаш, жамланган ёнигиш ускуналарини синовдан ўтказиш, таъмирталабларини сошлаш ва бошқа жараёнлар фақатгина

керакли маҳсулотларни етказиб туришибди. Бироқ йилни имкониятларимиз даражасидаги даромад билан яқунлай олмаямиз. 1,5-2 миллион сўм фойда билан нима ҳам қилиш мумкин. 1999 йил 1 миллион 526 минг сўм соф фойда кўрдик. Аслида бу биргина оиланинг даромади билан баробар. Шу боис ҳамкорларга тарқатилган улуш арзимас даражада бўлди. (Давоми 2-бетда)

ҲАРОМДАН ҲАЗАР ҚИЛМАГАНЛАР

Мамлакатимизда ҳар томонлама барқарорликни юзага келтириш бевосита ўтган аср вабоси ҳисобланмиш гиёҳвандликка қарши аёвсиз курашини ҳам тақозо этади. Очигини айтганда, гиёҳванд моддаларни етиштирувчиларга қарши олиб борилган саъй-ҳаракатлар ўз натижасини берапти. Сабаби, бундай оғуғурушлар сони бирмунча камайди. Бироқ, ҳамон айрим нопок кимсалар гиёҳванд моддаларни мамлакатимиз худуди орқали чет давлатларга олиб ўтишга уринишяпти. Айниқса, айрим нафс бандаларнинг килолаб эмас, балки қоплаб ташишга интилаётгани ниҳоятда ташвишлидир.

Масалан, ўтган йилнинг ёз ойларида Бекобод туманида 600 килограмдан зиёд "қорадори"ни олиб ўтишга уринган жиний гуруҳ фаолияти. Узингиз Агарда ушбу қўланган манганида, неча жинийларнинг соғлиғи хавф остида қолган бўларди. Декабр ойининг сўнги ўн кунлигида Сирдарё вилояти ички ишлар бошқармаси ходимлари томонидан ҳам 51 килограмдан зиёд кўчи таъсир этувчи "героин" моддасини олиб ўтишга уринган жиний гуруҳнинг қилмиши фожия эди. Вилоятнинг Ховос туманида яшовчи 26 ёшли Маматқўлов шу туманилик Эгамбердиев тегилиши "Камас" автомашинасига 8 тонна олма ва 1,5 тонна анорни юклади "Қайдасан Россия?", - дея йўлга отланди. Бироқ, ушбу машина юқонаси ашиқларнинг орасига жойланган 54 дон елим халтачалардаги захирқотилнинг "сафар"ига вақтида хотима ясалди.

Бугунги кунда ана шу "вабо"нинг инсон саломатлиғи ва унинг жамиятдаги ўрнига ҳалокатли таъсир қилиши ҳеч кимга сир эмас. Бироқ, ҳалол ва ҳаромни, яхшию ёмонни фарқлашдан ожиз кимсалар шу ҳақиқатни идрок этолмаяптилар. Улар орасида аёллар ҳам қўпчиликини ташкил этиши қалбга наштардек санчилади. (Давоми 2-бетда)

ҚУТЛУФ АРАФА

Деразани ёмғир чертади. Тун бўйи тарновлар қўшиқ айтади. Борлиқдан ёмғир нафаси уфурди. Табиат уйғонини қўшиғини бошлаб юборган. Кўнгида соғинч туйғуларини уйғотиб оқ ёмғир ёғади. Аваллари баҳорнинг дарагини бойчечак олиб келди, деб ўйлардим. Баҳор мўъжаси дилларга қалдирғоч вижир-

вижирлари ила ташриф буюрадигандек эди. Энди билсам, қўккам дарагини моюларимиз пиширган сумалак олиб келар экан. Ҳамқишлоқларнинг уйига борган болалар қувончи бир хабарни келтирдилар: -Сумалак олиб келдик. Бувижонимиз сумалак бериб юборибдилар. Юрагимга бир илиқлик юзимга табассум инади. Бунча ёқимли экан бу хабар!

БИР КЕЧА КАШФИЁТИ

Сумалак сўзи ҳам дилга она меҳри, юрт меҳри сингари яқин экан-да. Сумалакка онажонларимизнинг саховати, меҳру муҳаббати қўшилиди. Ривоятлариню, ширин хотиралари уни хуштаъм қиладди. Сумалак деганда ширин хотиралар, болаликнинг беғубор дамлари ёдга тушади. Не учун хушнуд дамларни бот-бот ёдга оламиз?

Борлиқни ажиб гўзалликка буржаб баҳор келаверади. Ҳар гулги ташрифидан кўнглимиз олам-олам қувончларга тўлади. Сумалак сўзини тилга олганимиз ҳамоно кўнгида инча туйғулар уйғонади. Бувижонимиз эл қатори сумалакка қўшилишлари билан тахтадан ёғоч қошиқ асашга тушардик. Қошиқни чўнтакка жойлаб, барча сумалакка аёзо бўлган хонадонлардан ўтин йиғардик. (Давоми 4-бетда)

"РАВАЛЛИҚ" ГУЗАРИДА БЎЛГАНМИСИЗ?

Маълумки, сўнги йилларда, бутун мамлакатимизда бўлганидек, Жиззах вилоятида ҳам гузарлар барпо этиш бобида кўп зарур ишлар амалга оширилди. Жиззах, Ғаллаорол, Зомин, Бахмал, Форш туманларидан ташқари Пахтакор, Дўстлик, Зарбдор, Мирзачўл, Арнасой сингари яқиндагина қўллар бағридан "қилиб" олинган туманларда ҳам маҳалла гузарлари курилиши юз бериб, вилоятнинг чехраси очилиб кетишига сабаб бўлди.

Ана шундай янги куриб битказилган гузарлардан бири Жиззах шаҳридаги Раваллик гузаридир. Мазкур гузарнинг алоҳида хислатларидан бири шундаки, аввалги кўримсиз бўлиб ётган манзил курилиш ишлари битганидан сўнг алоҳида чирой очиб, мафтункор бир масканга айланди. Айни шундан ташқари, алоҳида алоҳида хислатларидан бири шундаки, аввалги кўримсиз бўлиб ётган манзил курилиш ишлари битганидан сўнг алоҳида чирой очиб, мафтункор бир масканга айланди. Айни шундан ташқари, алоҳида алоҳида хислатларидан бири шундаки, аввалги кўримсиз бўлиб ётган манзил курилиш ишлари битганидан сўнг алоҳида чирой очиб, мафтункор бир масканга айланди.



ОЗОД ЮРТНИНГ ОБОД ГЎШАЛАРИ

Бу ҳаётда ҳамма нараса ўткинчи, дейдилар. Вақт ўтаверади, инсонлар ўсадилар, уяғларидан, нималаргадир эришдилар, ўрта ёшдан кексалик ёшига етдилар ва... бир кун келиб умрлари охираганини билмай қоладилар. Демакки, бойлик ҳам, мансабу мартаба ҳам, зотимлик ҳам, мунофиқлиги алдамчилик ҳам, айшу ишрат ҳам, ҳамма-ҳаммаси ўткинчи. Инсонлардан фақат яхши, саовоби ишлар, келажак учун курилган иморатлар ва етук санъат асарлари, тарихий китобларгина эсдалик бўлиб қолади. (Давоми 2-бетда)

КЕЛГУСИ СОНДА:

МИЛЁНЧИ ДИЛШОДБЕК АКА

ТОКИ ҚУЁШ БОР ЭКАН...

МУЛЛА КАМОЛ АБАДИЯТИ

атиқ йит бер!

КОМУСИМИЗНИ
ЎРГАНАМИЗ

ОТА-ОНА ВА
ФАРЗАНД

Оналик ва болалик давлат
томонидан муҳофаза қилина-
ди.
Ўзбекистон Республикаси
Конституцияси асосий қонун
сифатида фарзандлар ота-
оналарнинг насл-насабидан
ва фуқаролик ҳолатидан қатъи
назар, қонун олдидан тенгли-
гини таъминлайди.

(Боши 1-бетда)

Ана шу ҳақиқатни буюк Амир Темур
бобомиз жуда яхши билганлар ва шун-
га амал қилганлар. Шу сабабли ул
кишидан қолган ёдгорликларнинг
сон-саногий йўқ.
"Савоб ишни ҳар кун қилиш керак,
савоб ишни ҳар кун қилиши керак". Ана
шу таъкидлий сўзлар бугунги кунда
истиклолга эришган мамлакатимизнинг
ҳамма бурчақларида ибратли бир ши-
орга айланган қолди. Республика "Ма-
ҳалла" жамғармаси ва унинг вилоят-
лардаги бўлиmlлари томонидан олиб
борилаётган олижаноб ишлар Юртбо-
шимиз айтган сўзларнинг ижобат бўла-
ётганидан ниҳонгадир. Мамлакатимиз
пойтахти Тошкентда бошланган ва бо-
шқа жойларда давом эттирилаётган
маҳалла гузарлари қурилиш ишлари
қилиб олиб борилаётгани бизга гоյтада
қувончли кайфият бағишлайди.

Сўнгги пайтларда Жиззах вилояти-
да ҳам маҳалла гузарлари қуриш соҳа-
сида жонланиш оуб берди. Гузарлар-
нинг ҳаётимизда аҳамиятини узоқ
тушунтириб ўтиришнинг ҳождати
бўлмаса керак. Бироқ, лўнда қилиб
айтиш мумкинки, гузарларда фуқаро-
лар атайлаб шаҳарларга бориб бажа-
риладиган ишларнинг тўқсон фоизи-
ни бемалол битира оладилар. Қола-
верса, гузарлар юрт ободончили-
гининг ёркин намунаси ва маълум ма-
ънода дам олиш нуқталари ҳам ҳисоб-
ланади. Гузарлар... Халқ ташаббуси
билан, ҳашар йўли билан қурилаётган
гузал ва мазмунли масканлар. Бундай
мухташам, кўркам жойларнинг юрт
ободлигидан ташқари халқнинг онги-
га, маънавиятига ижобий маънода
таъсир қилишини айтмаймизми?! Ана
шундай кўркам жойлардан бирининг
қурилиш жараёни ҳақида бир-икки сўз
айтмоқчимиз.

Сир эмаски, ҳар қандай ташаббусга
ҳам, халқ ҳашарига ҳам қимдир бош-
қубулиши, рақбарлик қилиши лозим.
Биз ҳикоя қилмоқчи бўлганимиз "Равал-
лик" гузарни қуришига шу элнинг фар-
занди Қосим Раҳимов рақбарлик қилди.
Вилоят ҳокимиятидан таъсия ва
йўлланма олиб чиққан Қосим Раҳимов
дастлаб мутахассислар ва эл оқоқол-
янги идора қурилиши муносабати бил-
ан деярли ташландик ва ғариб бир
кўринишга эга бўлиб қолган манзил
эди у. Ана шу жой янги гузар учун
танланди.
Қишлоқ отахонлари билан масла-
хатлашганида ҳолда жой танлангани-
дан кейин қурилажак тармоқларнинг
тархи - режаси тузилди. Яъни янги



"РАВАЛЛИК"
ГУЗАРИДА БЎЛГАНМИСИЗ?

ларни ҳамроҳлигида гузар учун жой
танлашга киришди. Дастлаб янги гу-
зарни Ҳасангул маҷити жойлашган
кўчанинг кўнчиқар тарафига режалаш-
тирилмоқчи бўлдилар. У жой қайсидир
жиҳатлари билан маъқул қурилмади.
Кўнчиқарнинг маслаҳати билан яна
бир жой тилга олинди. Бу жой ҳамма-
га, жумладан гузар қуриш ташаббус-
корига ҳам маъқул бўлди.
Мазкур жойнинг номи сўнгги йил-
ларда "Эски идора" деб аталарди.
Аниқроқ айтиладиган бўлса, бир ма-
ҳаллар Ҳамид Олимжон номи жамоа
ҳўжалигига идора хизматини ўтаган
майдон эди. Ҳўжаликка бошқа жойдан

ганларидан кейин режа бўйича кенг
миқёсдаги иш бошлаб юборилди.
Жиззах вилоятининг ўзидан етишиб
чиққан усталар, Самарқанд ва Ўргут-
дан чақирилган моҳир унармандлар
хизматга киришиб кетдилар. Ҳар бир
дўкон ёки тармоқ учун махсус хоналар
барпо этиш, гузар худудини жиҳимма-
дор деворлар билан беэаза, эски клуб
биносига қадимий нақшкорлик
усулларида сайқал бериш давом этди.

Гузар қурилиши майдонидаги ман-
зара кундан-кунга байрам тусини ола-
бошлади. Моҳир усталар унарманд-
лар, бошқа хизматчилар-ку, ҳар қайси
ўз иши билан машғул бўлар, тинимсиз
меҳнат қилар эдилар.

Қимирлаган қир ошар, дейди халқ-
имиз. Чумоли сингари кичик ҳашарот-
лар ҳам тинимсиз ҳаракат туфайли
баланд тепалардан бемалол ошиб
ўтаверади. Биз айтётган гузар қури-
лишида эса ишлар жадаллик билан
олиб борилди. Ёз фаслининг дастлаб-
ки ҳафталарида бошланган иш куз
фаслининг ўрталарида ниҳоясига
етди. Раваллик ва Тоқчилик қишлоқла-
рининг аҳолиси ўзларининг мушкул-
лари осон бўладиган масканни шоди-
ёналик билан қабул қилиб олдилар.
Янги гузарнинг одамлар мушкуллини
осон қиладиган, ҳождатини равоқ қи-
ладиган хизматидан ташқари ҳар иккала
қишлоқнинг манзарасига кўрк бўлиб
тушганини айтмаймизми!..

Қадимда бадавлат, сармоёдор ки-
шилар савоб учун, ўзларидан яхши
ном қолдириш учун маҷит қурганлар,
имкониётлари кўтарса мадраса қур-
ганлар. Гапнинг сирасини айтганда,
"Раваллик" гузарининг барпо этилиши
ҳам ўз миқёси, истиклол давридаги
аҳамияти жиҳатидан мадраса қурили-
шидан кам эмас.

Оқилжон ҲУСАН



КЎКАЛАМЗОРЛАШТИРИШ
ОЙЛИГИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Бугунги кунда Бухоро қишлоқ ҳўжалик касб-хўна-
р коллежида 730 нафар йигит-қиз сабоқ олаётир. Бу ерда асосан
ҳосилот, ветеринар, бош механик, мироб, техник, фермер ҳўжалиқларини бошқари оладиган мутахассислар тайёр-
ланади. Коллеж ўқувчилар жамоаси ҳам республика Вазирлар Маҳкамасининг "Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаш-
тириш ойлиги ўтказиш тўрғисида"ги Қарорига жавобан шаҳарда янги ташкил этилаётган био ва ҳиёбонларга даракт
ва гул кўчатлари ўтказиш мақсадида уюштирилган ҳашарда фаол иштирок этишди.

Суратларда: 1. Шаҳарда янги ташкил этилаётган "Фатҳобод" ҳиёбонида ҳашар; 2. Коллеж талабалари кўчат
ўтказишмоқда.

Раҳмонли АКБАРАЛИЕВ
олган суратлар.

ДАВР
БУХОРОДА КРКА
ТАҚДИМОТИ

Словениянинг жаҳон-
га машҳур КРКА фарма-
цевтик компаниясининг
юқори сифатли дори-
дармонлари Германия,
Дания, Австрия, Бель-
гия, Финляндия, Испа-
ния, Швеция, Буюк Бри-
тания каби мамлакатлар
тиббийётида кенг қўлла-
ниб келинмоқда.

Қарийб 40 йилдан буён
Ўзбекистон билан ҳамкорлик
қилаётган бу компаниянинг 65
хилдаги дори-дармонлари
республикамиз Соғлиқни сақ-
лаш вазирлигида рўйхатдан
ўтказилиб, тиббийётида фойда-
ланишга таъсия этилган. КРКА
бултур вилоят "Бухородори-
дармон" давлат-акционерлик
бирлашмасига 35 минг АҚШ
доллари қийматига замона-
вий препаратларни етказиб
берди.

Яқинда Бухородаги "Вара-
ша" меҳмонхонасининг маж-
лислар зали шаҳар ва туман-
лардан келган кардиолог
ҳақимлар ва шифохоналар-
нинг бош ҳақимлари, доришу-
нослар билан гаўжум бўлди.
Бу ерда КРКА компанияси
яқинда ишлаб чиқара бошла-
ган ва ҳозирнинг ўзидаёқ жа-
ҳон тиббийётида кенг қўлла-
нилаётган "Энан" препаратининг
тақдимот маросими бўлиб
ўтди.

Д. ЖАБОРОВ

ҲАРОМДАН ҲАЗАР
ҚИЛМАГАНЛАР

(Боши 1-бетда)

Гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятларни таҳлил қилсак, улар-
ни манзилларига етказишда аёлларнинг нисбатан кўпроқ ишти-
рок этаётганини кишини ташвишга солади.
Андижон вилоятида яшовчи, 1968 йилда туғилган Холиса
Холовага нима етишмайди, дейсиз. Ахир унинг хонадонида бир
аёлга нимаики зарур бўлса, ҳаммаси мўжайё эди. Лекин, у бунга
қаноат қилмасдан, қабохат ботқоқига қадам қўйди. Холиса Б. Зи-
ёдов бошқарувидаги "Нексия" да келаётиб Бектемир тумани-
нинг "Рохат" ДАН масканида текшириб қўрилганида, унинг
ёнидан 1,5 килограммдан ортиқ "героин" гиёҳванд моддаси
топилди. Олиб борилган тергов-суриштирув ишлари натижаси-
да оғуни унга шу машинада ёнма-ён ўтириб келаётган андижон-
лик 50 ёшли М.Хурматова каттагина пул эвазига айтилган
манзилга етказиб бериш учун берганлиги маълум бўлди.

Шунингдек, Самарқанд транспорт ички ишлар бўлими ходим-
ларининг эътиборини Жомбой - Самарқанд бекатлари оралиғи-
да 286 сонли "Конибодом - Душанбе" йўналишидаги поезида
келаётган икки аёл ўзига қаратди. Улар Тожикистон Республика-
сининг Ленинобод вилояти Нов шахрида яшовчи, ҳеч қарсда
ишламайдиган Г.Йўлдошева ва Жиззах вилояти Даштубод шаҳ-
рида яшовчи О.Рустамовалар экан. Аёлларнинг қўлида тўртта
миллий услубда махсус асалган қозон ва иккита манти қасқони
бор эди. Буюмлар текширувдан ўтказилганида, манти қасқони
тағига 8 килограммга яқин кучли таъсир этувчи героин яширил-
ганини аён бўлди. Демак, улар эндиликда анча муддатгача
"қозон қайнатмаслиги" тайин.

Наркобиланс билан боғлиқ жиноятларга назар ташласак, уни
содир этганларнинг аксарият қисми бир неча фарзанднинг ота-
си, онаси, қолаверса, келин-куялларнинг қайнота-қайнонаси. Бу
ниҳоятда ачинарли ҳол, албатта. Чунки, оилада ҳар қимнинг ўз
ўрни бор. Ота оилани бошқаради, унинг моддий эҳтиёжини
таъминлайди, асосий масъулият унинг зиммасида. Она ҳам
рўзгорнинг барча иқир-чиқир, фарзандлар тарбияси учун жа-
вобгар шахс саналади. Шундай бўлгач, уларнинг оила олдидаги
масъулиятини унутиб, нопок ишлар билан шуғулланиши ёқуд
жиноят содир этиши, аввало, уларнинг ўз фарзандлари, қолавер-
са, бошқа ёшлар учун "ўрнак" бўлиши ҳеч гап эмас. Дейлик, ота-
она шундай қилмишлари учун озоқликдан маҳрум қилинди. Бу
биринчи галда оила моддий аҳолининг ноқорлашувиға сабаб
бўлади, иккинчидан, болалар устидан назорат ва тарбия ҳам ўз-
ўзидан сусаяди. Шундай экан, аввало уларга ўзимиз намуна
бўлайлик, тўри йўл кўрсатайлик. Зеро, эканнинг ўрасан, деган
мақол доимо ёдимиздан чиқмасин. Ана шундагина давлат, жамия-
ят ва халқ учун нафи тегадиган авлодни шакллантиришга ҳисса
қўлиш бўламиз.

Шухрат РЎЗИЕВ,
ИИБ Матбуот маркази
катта инспектори.
Эркин МАВЛОНОВ,
журналист.

ЗАМОН - ИЗЛАНГАННИКИ

ни пуллади-да, трактор сотиб олди. Да-
стлабки муваффақиятлар Холлиқовларни
мўлжални каттароқ олишга ундади. Кел-
гуси йили жамоа ҳўжалигининг эски
ферма биносини сотиб олишди.

ҚАЛДИРҒОЧЛАР

катта келини ўқитувчи бўлишига қара-
масдан, вақтлари сел ортса, фермага
югуришди. Кичик келин эса кун бўйи
чорвада. Сигир соғади, бузоқ боқади.
Ишлар ўзаро тақсимланган. Катта ўғил
Хамробек - таъминотчи, Жамлоидин
молларга қарайди. Ишнинг қизгин палла-
ларида қўшимча ишчи кучи шартнома
асосида қабул қилинади. Шундай бўлса-
да, келтирилган фойдадан қорам ман-
фаатдор. Орадан 7 йил ўтгач, қорамоллар
сони 80 тага яқинлашди. Ақратилган
майдон 26 гектарни ташкил этди.

-Қўйин келган 2000 йилда ҳам мўлжал-
даги ҳосилни етиштирдик, - дейди Ибро-

ХУШҲАБАР
ПЛЁНКА
УСУЛИДА

Бу йил Жиззах вилоят-
и пахтакорлари 15 минг
гектар майдонга плёнка
остага чигит экишни ре-
жалаштирганлар.
Шуни айтиш жоизки, вилоят
пахтакорлари бу юмушнинг
тараддудини куз ва қиш ойлари-
ридаёқ кўра бошлагандилар.
Шудгор қилинган пайкаллар
ғўзалар ва бегона ўт илдизла-
ридан тозаланди, пушта олин-
ди. Пахтакор, Мирзачўл, За-
фаробод ва Арнасой туманла-
рининг бир қатор ҳўжалиқла-
рида чигит экиш янги техноло-
гия асосида олиб боришмоқда.

Кўп ўтмай Зомин, Зарбдор
ва Жиззах туманларида чигит-
ни очик доралага экиш ҳам бош-
лаб юборилди... Вилоят пах-
такорларининг нияти 114,5
минг гектар майдоннинг ҳам-
масига чигит экишни энг мақ-
бул муддатларда тўғаллашдир.
Уларга Баҳмал, Форш ва Ғал-
лаорол туманлари меҳнат жа-
моалари техника, ёнлиги каби
муаммолар ечимини топишда
ўз кўмакларини аяшмаюпти.

К.ЖўРАКУЛОВ.

"САМДЕЛЕКУСКУН" ОҚСАМОҚДА

(Боши 1-бетда)
Масалан, литвалек биродарларга
442648 сўм, Пастдаргом "Агромаш-
сервис" жамоасига 301704 сўм, жи-
соний шахсларга бор-йўғи 17521
сўмгина пулш теғди. 2000 йил якуни
ҳам ҳаминқадардир. Кўпроқ ишлайлик
десақ, издан чиққан электр қуввати
таъминоти белимизга телганин-телган.
Токнинг ўйнаб туриши оқибатида кор-
хона компьютери ҳам қуйиб қолди.
"Электр корхонасидагиларни нега
ҳўжалик судига бермайсизлар" дея
сўраймиз директордан. У киши бундай
йўл тутиш хали таомилга кирмаганини
айтди. Аслида томонлар мажбурият
шартларини сўзсиз бажаришлари ке-

ҳам шундай аҳвол содир бўлганди.
Узоқ Қорақалпоғистондан, Бухоро,
Қашқадарё, Фарғона ва бошқа вило-
ятлардан келган миқозлар ҳам бундай
бежо "ўйин"лардан хуноб бўлишмоқ-
да. Улар таъмирланаётган усқунала-
рининг оқизна юмуши қолганда иш
тўхтаб қолиши боис қўнлаб сарсон-
саргондор бўлишмоқда. Уртада норо-
зиликлар туғилмоқда.
Бу қуръанинг бир томони. Иккинчи
томони эса жамоада ташкилотчилик
етишмаслиги билан боғлиқ. Қўшма
корхона низомида халқ истеъмоли
моллари ишлаб чиқариш, сотиш, чакана
савдо шохобчаларини очиш, дех-
қончилик ва бошқа қишлоқ ҳўжалик

«ОФАРИН - 2001» ЙИЛНИНГ ЭНГ
ЯХШИ ИЖОДКОРИ РЕСПУБЛИКА
ТАНЛОВИ ГОЛИБЛАРИ

1. «АДАБИЁТ ВА ЖУРНАЛИСТИКА» ЙЎНАЛИШИ

«Йилнинг энг яхши ёзувчиси» номинацияси
Хуршид Дўстмуҳаммад - «Бозор» романи,
«Ҳижроним мингдир, менинг» қисса ва ҳикоялар
тўплами ҳамда «Озод итироб қувончлари» публицистик
мақолалар китоби учун

«Йилнинг энг яхши шоири» номинацияси
Матназар Абдулҳаким - Миллий тафаккур гоғлари
билан йўғрилган туркум шеърлари учун

«Йилнинг энг яхши болалар ижодкори» номинацияси
Барноев Сафар - «Менинг муаллимим» достони,
ҳикоялар, шеърлар ва публицистик мақолалар туркуми учун

«Йилнинг энг яхши драматурги» номинацияси
Ёқубов Одил - «Бир қошона сирли» пьесаси учун

«Йилнинг энг яхши журналисти» номинацияси
Иброҳим Раҳим - «Халқ сўзи» газетасида эълон
қилинган туркум мақолалари учун

2. «КИНО ВА ТЕЛЕВИДЕНИЕ САНЪАТИ» ЙЎНАЛИШИ

«Йилнинг энг яхши кинорежиссёри» номинацияси
Назармуҳамедов Собир - «Чаёнгул» бадий фильми
режиссураси учун

«Йилнинг энг яхши телерадио режиссёри»
номинацияси
Ёқубов Баҳром - «Миллат қайғусидан, халқ дардидан
яралган...» видеофильми режиссураси учун

«Йилнинг энг яхши кинооператори» номинацияси
Ибрагимов Рифқат - «Пари моми» бадий фильмининг
суратга олишдаги операторлик иши учун

«Йилнинг энг яхши телеоператори» номинацияси
Муталов Шухрат - «Мен элимнинг юрагида яшайман»
туркум видеофильмининг суратга олишдаги операторлик
иши учун

«Йилнинг энг яхши киноактёри» номинацияси
Саъдиев Хайрулла - «Алпомиш» бадий фильмидаги
Тойчаон роли ижроси учун

«Йилнинг энг яхши киноактрисаси» номинацияси
Мухторова Мадина - Кино ва телевидениеда яратган
аёллар образлари туркуми учун

3. «ТЕАТР, МУСИҚА ВА ТАСВИРИЙ САНЪАТ»
ЙЎНАЛИШИ

«Йилнинг энг яхши театр режиссёри» номинацияси
Салимов Олимжон - Й.Оқунбобоев номидаги Республика
Ёш томошабинлар театрида сахналаштирилган
«Боз масҳарабоз» спектакли режиссураси учун

«Йилнинг энг яхши театр актёри» номинацияси
Цветков Валерий - Ўзбекистон Академик рус драма
театрида сахналаштирилган «Хар тўқисда бир айб»
спектаклидаги Крутицкий роли ижроси учун

«Йилнинг энг яхши театр актрисаси» номинацияси
Қайипназарова Турсун - Бердақ номидаги
Қорақалпоғистон Давлат мусиқий театрида
сахналаштирилган «Ота тақдири» спектаклидаги
Улжон роли ижроси учун

«Йилнинг энг яхши хонандаси» номинацияси
Йўлчиева Муножат - Муомтоз қўшиқларни юксак
маҳорат билан ижро этганлиги ва санъатимизнинг
хорижда тарғиботи учун

«Йилнинг энг яхши бастакори» номинацияси
Эргашев Анвар - Янги қўшиқлар ва қўйлар туркуми учун

«Йилнинг энг яхши созандаси» номинацияси
Шарипова Адиба - Юксак ижрочилик маҳорати учун

«Йилнинг энг яхши рассоми» номинацияси
Усмонов Жамол - «Рўҳ ва ҳаёл» кўрғазмаси
доирасида намойиш этилган асарлари учун

«Йилнинг энг яхши амалий санъат устаси»
номинацияси
Нарзуллоев Алишер - Ғиждвон кулолчилик мактаби
аъналарини тиклагани учун

«Йилнинг энг яхши дизайнери» номинацияси
Комилева Холида - Ўзбекистон миллий либоси
дизайнини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси ва аёллар
учун миллий матолардан яратилган либослар тўплами учун

«Санъатга бахшида умр» номинацияси
Абдулҳак Абдуллаев,
Ўзбекистон халқ рассоми - Ўзбек миллий санъати
ривожига қўшган улкан ҳиссаси учун

Жуманазар
ХОЛМИНОВ,
гон 1 хуқуқшунослик
авганлари доктори.

Ўқтам ҚУРБОНОВ

ДУШАНБА, 19

«Ўзбекистон» телеканали Телетомошабинлар диққатиغا Профилактика муносабати билан душанба, 19 март «Ўзбекистон-1» телеканали курсатувлари соат 15.00 дан бошлаб курсатилди.

15.00 «Олтин тож». Телевизион уйини.

15.20 ТВ-1 намойиш этади.

15.35 Болалар экрани. «Кичик боланинг катта таъшиллари». Бадий фильм.

16.40 ТВ-анонс.

16.50 «Яккама-якка жанг». Каратэ.

17.10 «Раққоса ҳиром этса».

17.30 Экранда - телесериал. «Индаба».

17.55 ТВ-маркет.

18.00 ЯНГИЛИКЛАР.

18.10 Болалар учун. «Бинафша».

18.35 «Тафсилот».

18.50 «Бахтли воқеа». Телелотерея.

19.25, 19.55, 20.25, 21.00 ЭЪЛОНЛАР

19.30 «Ахборот» (рус тилида) 20.00 Оқшом эртақлари.

20.15 «Ўзбектеелефильм» намойиши: «Баҳор». Премьера.

20.30 «Ахборот».

21.05 «Қалбингиз қўшиққа тўлсин». Мусикий дастур.

21.35 «Ким аслида ким?» Спорт дастури.

22.00 «Мазнавият» дастури.

23.00 «Ахборот».

23.35 Тунги сеанс. «Кавказ асириси». Бадий фильм.

00.50-00.55 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканали

8.55 Курсатувлар дастури. 9.00 «Давр тонги».

9.00 «Янги авлод» студияси: «Ким эгчил-у, ким чақон?»

10.25 Мультфильм.

10.45 2001 йил - Аналар ва болалар йили. «Фарзандим-жизабандим».

11.00 «Давр». Хафта ичида.

11.40, 15.50 «Муслик лаҳзалар».

11.50 Ҳафтадан «2000 йилдан сўнг». Телесериал.

12.00 «У ким? Бу нима?» Болалар учун курсатув.

12.20 «Азизим».

12.45 Абдулла Орипов. «Соҳибқирон». Бобур номидаги Уш вилоят театрининг спектакли.

14.35 Олтин мерос.

14.40 «Фермер». Видеофильм.

15.00 «Ҳақон жугрофияси»: «Япония хазиналари».

16.00 «Изтопар». Бадий фильм.

17.25 «Спорт хафтаюми».

17.40 Курсатувлар дастури.

17.45 «Янги авлод» почтаси.

18.05 «Камолот». Хаваскорлар телетанлови.

18.25 «Наврўзи олам».

18.45 «Оқшом навалари».

18.55, 21.55 «Иклим».

19.00 «Давр». Ахборот дастури.

19.30 «ТВ-анонс ва Эколаш».

19.35 «Қишлоқдаги тенгдошим».

19.55 «Муслик лаҳзалар».

20.05 «Ёшлар овози».

20.25, 21.15, 22.30 Эълонлар

20.30 «Ёшлар» телеканалда премьер. «Ясон ва аргонавтарлар». Бадий фильм. 1-қисм.

21.20 «Ёшлик навалари».

21.30 «Бир пиёла чай устидан».

21.50 «Олтин мерос».

22.00 «Давр». Ахборот дастури.

22.30 «Тунги тароналар ва Эколаш».

22.35 «Даллас». Телесериал.

23.20 «Давр». Ахборот дастури.

23.35 «Ёшлар» телеканалда спорт: Футбол. Ҳафтанинг энг яхши уйини.

1.05-1.10 «Хайрли тун!»

«Халқаро» телеканал

15.00-16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

16.00 Курсатувлар тартиби.

16.05 «Мультичархпалак».

16.25 «Клип-антракт».

16.30 «Вести».

17.00 «Экспедиция». Серил.

17.50 «Х-Спорт».

18.05 «Бугун оламда». Ахборот курсатуви.

18.15 «Ғолиб бўлашимиз?» Фигуралар учун буйча жаҳон чемпионати олдидан.

18.45 «Махфий ҳужжатлар. X-files». Серил.

19.30 «Клип-антракт».

РЖТ

19.35 «Зарбдор куч-2». Серил.

20.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!».

21.00 «Время».

УзТВ-IV

21.50 «Бизнес-ревью».

21.55 СҒИ тақдим этади: «Еввойи хайвонлар туркумидан».

22.45 Кинематограф. «Карнавал». Бадий фильм. 2-қисм.

23.50 «Ахборот» (рус тилида) 00.15 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЧОРШАНБА, 21

НАВРЎЗ БАЙРАМИНИЗ МЎБОРАК БЎЛСИН!

«Ўзбекистон» телеканали «НАВРЎЗ - 2001 йил» узлуқли теледастури соат 6.00 дан 1.50 гача намойиш этилади.

«Ўзбекистон» телевидениеси иждоқорлари би йилги Наврўз байрамига алоҳида тайёргарлик қўрганлар. Узлуқли дастурдан ранг-баранг курсатувлар, танкили кишилар билан учрашувлар ўрин олган. Хусусан, «Наврўз чорловлари», «Ҳамал хаёллари», «Офтоб чидки оламга» композициялар, «Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор», «Бундан ўн йил муқаддам» каби курсатувларида байрам руҳи ўз аксини топади.

Шунингдек, «Шарқ халқларида баҳор байрамлари», «Суюнчи ёки йил боши» икки қисмдан иборат видеофильм томошабинлар эътиборига хавола этилади.

«Сен баҳорни соғинмадингми?», «Баҳор ва ёр васфи» каби концерт дастурлари эса Сизга яхши кайфият бахш этади деган умидда.

Алишер Навоий номидаги миллий боғидан Наврўз байрамига бағишланган тантаналар соат 10.00 дан олиб курсатилди.

«Ёшлар» телеканали НАВРЎЗ БАЙРАМИ

7.50 Байрам табриги.

7.55 Курсатувлар дастури.

8.00 «Давр». Ахборот дастури.

8.15 «Янги авлод» студияси: «Сумалек баэми».

9.15 «Пуф ва жаноб ҳеи ким».

Мультифильм премьераси.

9.40 Ёшлик қўшиқлари

10.00-11.50 Алишер Навоий номидаги Миллий боғдан Наврўз байрамига бағишланган тантаналар олиб курсатилди.

СЕШАНБА, 20

«Ўзбекистон» телеканали 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот».

8.35, 17.55 ТВ-маркет.

8.40 Газеталар шарҳи.

8.55 «Даврани кенгрок олинг». Мусикий дастур.

9.30, 12.30 ТВ-метео.

9.35 «Ким аслида ким?» Спорт дастури.

10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР

10.05 «Ишбилармон кишилар». Бадий фильм.

11.25 «Миллий манфаат».

12.05 Эстрада тароналари.

12.35 «Қишлоқ ҳаёти».

12.50 «Мазнавият» дастури.

13.30 ТВ-клип.

14.10 Футбол. ХХ асрнинг сўнгги Европа чемпионати. Югославия-Испания.

15.40 «Ўзбектеелефильм» намойиши: «Коюна». Премьера.

16.20 «Наво таралсин». Концерт.

16.35 «Озода бўлса шаҳринг».

16.55 «Ватанимга хизмат қиламан».

18.10 Ойнаи жаҳон тақдироти.

«Қиролликдаги саргузаштлар». Мультфильм премьераси.

18.35 «Таълим-тарбия миллий

дастури амалда».

18.45 «Ойдиндиқ санъатнинг йўллари». Мусикий дастур.

19.10 «Мулкдор».

19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.20, 22.55 ЭЪЛОНЛАР

19.30 «Ахборот» (рус тилида) 20.00 Оқшом эртақлари.

20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида) 20.30 «Ахборот».

21.05 Навоийхонлик.

21.25 «Офарин-2001 йил»нинг энг яхши иждоқори Республика танлови ғолибларини тақдирлаган бағишланган адабий-бадий мусикали кеча.

«Халқлар дўстлиги» саройидан олиб курсатилди (Езиб олинган)

23.00 «Ахборот».

23.35 Тунги сеанс «Одам-амфибия». Бадий фильм.

1.05-1.10 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканали 8.55 Курсатувлар дастури.

9.00 «Давр». Ахборот дастури.

9.15 «Янги авлод» почтаси.

9.35 Мультфильм.

9.50 «2000 йилдан сўнг». Телесериал.

10.10, 13.15 Мусикий лаҳзалар.

10.20 «Наврўзи олам».

10.40 «Даллас». Телесериал.

11.25 «Ёшлар овози».

11.45 «Ёшлар» телеканалда спорт: Футбол. Ҳафтанинг энг яхши уйини.

13.25 «Ясон ва аргонавтарлар». Бадий фильм. 1-қисм.

14.10 «Камолот». Хаваскорлар телетанлови.

14.30 «Ғазал соғинчи». Алишер Навоийнинг 560 йиллигига бағишланган.

14.50 Олтин мерос.

15.00 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал. 73-қисм.

15.50 Она юртим обод бўлсин: Хоразм.

16.10 «Ёшлар» телеканалда спорт: Теннис.

16.55 Курсатувлар дастури.

17.00 «Янги авлод» студияси: «Болалар учун концерт».

17.25 «Ватан манзаралари».

17.40 Наврўз қўшиқлари.

17.55 «Авторейд».

18.10 Ёшлар овози.

18.30 Наврўзи олам.

18.45 «Оқшом навалари».

18.55, 21.55 «Иклим».

19.00 «Давр». Ахборот дастури.

19.30 ТВ-анонс ва Эколаш.

19.35 «Интернет-фестиваль».

20.05, 21.45, 22.30 Эълонлар

21.00 «Ясон ва аргонавтарлар». Бадий фильм. 2-қисм.

21.50 «Олтин мерос».

22.00 «Давр». Ахборот дастури.

22.30 Тунги тароналар ва Эколаш.

22.40 «Даллас». Телесериал.

23.25 «Давр». Ахборот дастури.

23.40-23.45 «Хайрли тун».

«Халқаро» телеканал

РЖТ 7.00-9.00

9.00 Курсатувлар тартиби.

9.05 «Мультичархпалак».

9.20 «Бўйсунда кор эриган маҳал...» Телефильм.

10.00 А. Навоий номидаги Миллий боғдан Наврўз байрамига бағишланган тантаналар олиб курсатилди.

11.50 «Яхши кайфият». Дам олиш дастурининг байрам сони.

13.20 «Ассалом, Наврўз!» Болалар иштирокидаги шоу-дастур.

14.20 Клип-антракт.

15.00-16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

16.00 Курсатувлар тартиби.

16.05 «Мультичархпалак».

16.25 «Клип-антракт».

16.30 «Вести».

17.00 «Экспедиция». Серил.

17.50 «Х-Спорт».

18.05 «Бугун оламда». Ахборот курсатуви.

18.15 «Ғолиб бўлашимиз?» Фигуралар учун буйча жаҳон чемпионати олдидан.

18.45 «Махфий ҳужжатлар. X-files». Серил.

19.30 «Клип-антракт».

РЖТ

19.35 «Зарбдор куч-2». Серил.

20.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!».

21.00 «Время».

УзТВ-IV

21.50 «Бизнес-ревью».

21.55 СҒИ тақдим этади: «Еввойи хайвонлар туркумидан».

22.45 Кинематограф. «Карнавал». Бадий фильм. 2-қисм.

23.50 «Ахборот» (рус тилида) 00.15 «Тунингиз осуда бўлсин!»

«Ёшлар» телеканали

8.55 Курсатувлар дастури. 9.00 «Давр тонги».

9.00 «Янги авлод» студияси: «Ким эгчил-у, ким чақон?»

10.25 Мультфильм.

10.45 2001 йил - Аналар ва болалар йили. «Фарзандим-жизабандим».

11.00 «Давр». Хафта ичида.

11.40, 15.50 «Муслик лаҳзалар».

11.50 Ҳафтадан «2000 йилдан сўнг». Телесериал.

12.00 «У ким? Бу нима?» Болалар учун курсатув.

12.20 «Азизим».

12.45 Абдулла Орипов. «Соҳибқирон». Бобур номидаги Уш вилоят театрининг спектакли.

14.35 Олтин мерос.

14.40 «Фермер». Видеофильм.

15.00 «Ҳақон жугрофияси»: «Япония хазиналари».

16.00 «Изтопар». Бадий фильм.

17.25 «Спорт хафтаюми».

17.40 Курсатувлар дастури.

17.45 «Янги авлод» почтаси.

18.05 «Камолот». Хаваскорлар телетанлови.

18.25 «Наврўзи олам».

18.45 «Оқшом навалари».

18.55, 21.55 «Иклим».

19.00 «Давр». Ахборот дастури.

19.30 «ТВ-анонс ва Эколаш».

19.35 «Қишлоқдаги тенгдошим».

19.55 «Муслик лаҳзалар».

20.05 «Ёшлар овози».

20.25, 21.15, 22.30 Эълонлар

20.30 «Ёшлар» телеканалда премьер. «Ясон ва аргонавтарлар». Бадий фильм. 1-қисм.

21.20 «Ёшлик навалари».

21.30 «Бир пиёла чай устидан».

21.50 «Олтин мерос».

22.00 «Давр». Ахборот дастури.

22.30 «Тунги тароналар ва Эколаш».

22.35 «Даллас». Телесериал.

23.20 «Давр». Ахборот дастури.

23.35 «Ёшлар» телеканалда спорт: Футбол. Ҳафтанинг энг яхши уйини.

1.05-1.10 «Хайрли тун!»

«Халқаро» телеканал

15.00-16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

16.00 Курсатувлар тартиби.

16.05 «Мультичархпалак».

16.25 «Клип-антракт».

16.30 «Вести».

17.00 «Экспедиция». Серил.

17.50 «Х-Спорт».

18.05 «Бугун оламда». Ахборот курсатуви.

18.15 «Ғолиб бўлашимиз?» Фигуралар учун буйча жаҳон чемпионати олдидан.

18.45 «Махфий ҳужжатлар. X-files». Серил.

19.30 «Клип-антракт».

РЖТ

19.35 «Зарбдор куч-2». Серил.

20.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!».

21.00 «Время».

УзТВ-IV

21.50 «Бизнес-ревью».

21.55 СҒИ тақдим этади: «Еввойи хайвонлар туркумидан».

22.45 Кинематограф. «Карнавал». Бадий фильм. 2-қисм.

23.50 «Ахборот» (рус тилида) 00.15 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЧОРШАНБА, 21

НАВРЎЗ БАЙРАМИНИЗ МЎБОРАК БЎЛСИН!

«Ўзбекистон» телеканали «НАВРЎЗ - 2001 йил» узлуқли теледастури соат 6.00 дан 1.50 гача намойиш этилади.

«Ўзбекистон» телевидениеси иждоқорлари би йилги Наврўз байрамига алоҳида тайёргарлик қўрганлар. Узлуқли дастурдан ранг-баранг курсатувлар, танкили кишилар билан учрашувлар ўрин олган. Хусусан, «Наврўз чорловлари», «Ҳамал хаёллари», «Офтоб чидки оламга» композициялар, «Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор», «Бундан ўн йил муқаддам» каби курсатувларида байрам руҳи ўз аксини топади.

Шунингдек, «Шарқ халқларида баҳор байрамлари», «Суюнчи ёки йил боши» икки қисмдан иборат видеофильм томошабинлар эътиборига хавола этилади.

«Сен баҳорни соғинмадингми?», «Баҳор ва ёр васфи» каби концерт дастурлари эса Сизга яхши кайфият бахш этади деган умидда.

Алишер Навоий номидаги миллий боғидан Наврўз байрамига бағишланган тантаналар соат 10.00 дан олиб курсатилди.

«Ёшлар» телеканали НАВРЎЗ БАЙРАМИ

7.50 Байрам табриги.

7.55 Курсатувлар дастури.

8.00 «Давр». Ахборот дастури.

8.15 «Янги авлод» студияси: «Сумалек баэми».

9.15 «Пуф ва жаноб ҳеи ким».

Мультифильм премьераси.

9.40 Ёшлик қўшиқлари

10.00-11.50 Алишер Навоий номидаги Миллий боғдан Наврўз байрамига бағишланган тантаналар олиб курсатилди.

13.45 «Эколаш». Энг яхши уйлик.

14.00 «Ниҳол» мукофоти соҳибдорлари куйлайди.

14.15 «Ясон ва аргонавтарлар». Бадий фильм. 2-қисм.

15.00 «Давр». Ахборот дастури.

15.15 Аёл қалби навалари

15.30 «Бахт гуллари». Телевизион бадий фильм. 1-қисм.

16.00 Байрам табриги.

16.05 «Она юртим» «Шаҳзода» гуруҳи куйлайди.

16.45 Ёшлар овози.

17.05 Аналар ва болалар йилига «Томоша» гуруҳининг тўхфаси.

17.35 «Гуллар шаҳри». Мультфильм.

18.00 «Марду майдон».

18.20 Байрам табриги.

18.25 «Она юртим обод бўлсин». Самарқанд.

18.45 «Оқшом навалари».

18.55, 21.55 «Иклим».

19.00 «Давр». Ахборот дастури.

19.30 Байрам табриги ва Эколаш.

19.35 «Баҳорни куйлайман». Абдулла Орипов.

19.55-22.30 Эълонлар

20.00 «Спорт-лото».

20.10 «Очил дастурхон».

20.25 «Маслаҳат».

21.20 Мусикий лаҳзалар.

21.30 «Хандалак». Ҳажвий телесериал.

21.50 Олтин мерос.

22.00 «Давр». Ахборот дастури.

22.35 Тунги тароналар.

22.45 «Эколаш». Энг яхши уйлик.

22.55 «Севги фантазияси». Мусикий комедия.

1.35-1.40 «Хайрли тун».

«Халқаро» телеканал

«Халқаро» телеканал



РЖТ 7.00-9.00

9.00 Курсатувлар тартиби.

9.05 «Мультичархпалак».

9.20 «Бўйсунда кор эриган маҳал...» Телефильм.

10.00 А. Навоий номидаги Миллий боғдан Наврўз байрамига бағишланган тантаналар олиб курсатилди.

11.50 «Яхши кайфият». Дам олиш дастурининг байрам сони.

13.20 «Ассалом, Наврўз!» Болалар иштирокидаги шоу-дастур.

14.20 Клип-антракт.

15.00-16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

16.00 Курсатувлар тартиби.

16.05 «Мультичархпалак».

16.25 «Клип-антракт».

16.30 «Вести».

17.00 «Экспедиция». Серил.

17.50 «Х-Спорт».

18.05 «Бугун оламда». Ахборот курсатуви.

18.15 «Ғолиб бўлашимиз?» Фигуралар учун буйча жаҳон чемпионати олдидан.

18.45 «Махфий ҳужжатлар. X-files». Серил.

19.30 «Клип-антракт».

РЖТ

19.35 «Зарбдор куч-2». Серил.

20.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!».

21.00 «Время».

УзТВ-IV

21.50 «Бизнес-ревью».

21.55 СҒИ тақдим этади: «Еввойи хайвонлар туркумидан».

22.45 Кинематограф. «Карнавал». Бадий фильм. 2-қисм.

23.50 «Ахборот» (рус тилида) 00.15 «Тунингиз осуда бўлсин!»

«Халқаро» телеканал

15.45 Алишер Навоий номидаги Миллий боғдан Наврўз байрамига бағишланган тантаналар олиб курсатилди.

17.35 Курсатувлар дастури.

17.40 «Янги авлод» студияси: «Қўшиқ бизга ҳамроҳ».

18.05 «Дастхат».

18.25 «Муҳлис» саҳифаларида.

18.55, 21.55 «Иклим».

19.00 «Давр». Ахборот дастури.

19.30 ТВ-анонс ва Эколаш.

19.35 «Давр»-интервью.

60 йиллигига бағишланган тантанали оқшом «Туркистон саройидан олиб курсатилди» (Езиб олинган).

23.00 «Олам». Телеальманах.

23.40 «Ахборот».

00.15-00.20 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканали 8.55 Курсатувлар дастури.

9.00 «Давр». Ахборот дастури.

9.15 «Янги авлод» студияси: «Қўшиқ бизга ҳамроҳ».

9.40 «2000 йилдан сўнг». Телесериал.

10.00 «Давр»-интервью.

10.15 Д.Бойхонов куйлайди

10.30 «Ўткан кунлар». Темур тузуқлари.

10.50 «Даллас». Телесериал.

11.35-14.40 Мусикий лаҳзалар

ХАМКОРЛИККА ЧОРЛАЙМИЗ

БАРЧА ДЕҲҚОН, ФЕРМЕР, ШИРКАТ ВА ЖАМОА ХЎЖАЛИКЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА

«Янгийўл ёр-мой» хиссадорлик жамияти раҳбарияти хўжаликларини 2001 йилда далами ва сугорилмаган ерларда кунгабоқар уруғини экиб қўладириш юзасидан хамкорликка чорлайди. Жамият хўжаликларга Молдавия Республикасида келтирилган 102-106 хунда пишиқ этиладиган гибрид Н5-8506; гибрид Санбред-254 навли кунгабоқар уруғини етказиб беришни, кунгабоқар донини қайта ишлашдан келадиган соф фойданинг 50-60 фоизини эса хўжаликларга қайтаришни ўз зиммасига олади.

Кунгабоқар донини экиб етиштириш юзасидан узаро манфаатли шартномалар тузишга шошилинг!

Мурожаат учун манзилмиз: Тошкент вилояти, Янгийўл шаҳри, Самарқанд кўчаси, 352-уй.

«Янгийўл ёр-мой» хиссадорлик жамияти.

Тел: 2-61-35, 2-61-29, 2-61-64

ликлари» (инглиз тилида)

16.15 «Мультичархпалак».

16.30 «Вести».

17.00 «Экспедиция». Серил.

17.50 «Бугун оламда». Ахборот курсатуви.

18.00 «Вақт хазинасидан».

18.15 «Клип-антракт».

РЖТ

18.25 Фигуралар учун буйча жаҳон чемпионати. Эркаклар. Канададан олиб курсатилди.

19.40 «Ким миллионер бўлишни истайди?» Телеуйини.

20.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!».

21.00 «Время».

УзТВ-IV

21.50 «Бизнес-ревью».

22.15 «Дунё мамлакатлари».

22.35 «СНН-шоу».

22.50 Кинематограф. «Сен менинг қўшигимсан». Бадий фильм.

00.15 «Ахборот» (рус тилида) 00.40 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ПАЙШАНБА, 22

«Ўзбекистон» телеканали 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот».

8.35, 17.55 ТВ-маркет.

8.40 Газеталар шарҳи.

8.55 «Сен баҳорни соғинмадингми?» Концерт.

9.15, 12.25 ТВ-метео.

9.20 «Ўзбектеелефильм» намойиши: «Абдулла Орипов».

10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР

10.05 ТВ-клип.

10.10 «Ошиқ Ғариб». Бадий фильм.

11.25 «Зулфияхоним қизлари».

11.50, 13.55 ТВ-анонс.

12.05 «Созимда севиғи васфи». Мусикий дастур.

12.30 «Зумраша». Ҳажвий киножурнал.

«Спорт» дастури.

12.40 «Алпомисл авлодлари».

12.55 Курташ буйча Ўзбекистон биринчилиги.

13.15 «Олам». Телеальманах.

14.10 «Офарин-2001 йил»нинг энг яхши иждоқори Республика танлови ғолибларини тақдирлаган бағишланган адабий-бадий мусикали кеча.

15.40 Саргузашт фильмлар экрани «Имконият».

15.50 Мезон.

20.10 «Ёшлар овози».

20.30, 21.20, 22.30 Эълонлар

20.35 «Ясон ва аргонавтарлар». Бадий фильм. 3-қисм.

21.25 Мусикий лаҳзалар

21.30 «Ўткан кунлар». Темур тузуқлари.

21.50 «Олтин мерос».

22.00 «Давр». Ахборот дастури.

22.30 Тунги тароналар ва Эколаш.

22.35 «Даллас». Телесериал.

23.20 «Давр». Ахборот дастури.

23.35 «Ёшлар» телеканалда спорт: Интернет-футбол.

1.05-1.10 «Хайрли тун».

«Халқаро» телеканал РЖТ 7.00-9.00

9.00 Курсатувлар тартиби.

9.05 «Мультичархпалак».

9.20 «Бўйсунда кор эриган маҳал...» Телефильм.

10.00 А. Навоий номидаги Миллий боғдан Наврўз байрамига бағишланган тантаналар олиб курсатилди.

11.50 «Яхши кайфият». Дам олиш дастурининг байрам сони.

13.20 «Ассалом, Наврўз!» Болалар иштирокидаги шоу-дастур.

14.20 Клип-антракт.

15.00-16.00 ТУР

1-97

Muntes 4052

4001

1-11